

Қайнона эса икки ёш ўртасидаги низоларни бартараф этиш, уларнинг турмушини мустаҳкамлаш ўрнига келинини рўзгор юмушларини бажара олмаслигини рўқач қила-қила, ҳатто унинг ҳомиладор бўлишига ҳам қарамай, камситиб, ҳақоратлаб, калтаклашга бош-қош бўлади.

8 бет

Ер — бебаҳо бойлик. Қани энди, шу ерларнинг ҳаммасини сотиш имкони бўлса, деган хомхаёл унга тинчлик бермай қўйди. Аммо бу иш ёлғиз бир кишининг қўлидан келмаслигини ҳам биларди. Тез орада унинг ғаразли режасини маъқуллайдиган ҳамфикр ва ҳамтовоқлар ҳам топила қолди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўшқишқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 12-iyun, №24 (909)

Анжуман

Болалар ёзи — 2014

Соҳадаги ўзгаришлар

Гули ҲОЖИБОВА,
«Huquq»

Жорий йилнинг 9 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида соҳага тегишли янги қонун ҳужжатларини кенг омма эътиборига етказиш, шунингдек, суднинг янги расмий веб-сайти (www.oxs.uz) ва ундаги "Электрон кутубхона" рўкни ҳамда "Ҳўжалик судлари ҳал қилув қарорларига шарҳлар тўплами" тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда 2014 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қисмини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан Ҳўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар, хусусан, ҳўжалик судларида суд мажлисларини "видеоконференц-алоқа" режимида ўтказиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганилиги, бу тизмининг имкониятлари ва афзалликлари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 майдаги қарори билан ҳўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи ставкаларига киритилган ўзгартишлар ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи ставкаларининг камайтирилиб, даъво баҳосининг 1 фо-

зи, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши ҳўжалик юритувчи субъектларга судларда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Йиғилишда веб-сайтнинг янги дизайни, ундаги янгилашлар ва кенг имкониятлар, шунингдек, "Электрон кутубхона" рўкни онлайн тарзда намойиш этилди.

Матбуот анжумани сўнгида Олий ҳўжалик суди ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида нашрга тайёрланган ва чоп этилган "Ҳўжалик судлари ҳал қилув қарорларига шарҳлар тўплами" тақдим этилди.

Тадбир иштирокчилари ушбу нашрнинг муҳим жиҳати — унинг суд амалиёти билан узвий боғлиқлиги, ундаги материални ўрганиш маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳўжалик судлари томонидан ҳал этилиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини бериши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишларида ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.



Таътил мароқли ўтиши учун

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борадаги эзгу ишлар ўғил-қизларнинг ёзги таътил даврида соғломлаштириш жараёнида ҳам ўз ифодасини топтоқда. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бу йил ҳам "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали имтиёзли йўлланма билан таъминланади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг сўлим гўшалардаги масканларда соғломлаштирилиши доимий эътиборда бўлади.

Мамлакатимиздаги барча оромгоҳлар зарур меъбел ва жиҳозлар, техник ускуналар, тегишли қўлланма ва зарур воситалар, бадий адабиётлар, даврий нашрлар билан

таъминланган. Оромгоҳларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлашга оид ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж аниқланиб, мавсум давомида энг муносиб педагог, етакчилар ва тўғра раҳбарлари, чет тиллари мутахассислари ва олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, жисмоний тарбия бўйича мутахассислар, сузиш мурабийлари жалб этилган.

Бу йилги дам олиш мавсумларида Ўзбекистон Касаба уюшма-

лари Федерацияси кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекино" миллий агентлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида оромгоҳларга ижодий жамоалар, ёзувчи ва шоирлар, рассомларни жалб этиш, болалар учун маданий-тарбиявий тадбирлар, турли акциялар, спорт мусобақалари ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар томонидан оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фавулодда вазиятлар бўйича профилактик тадбирлар ўтказишга доир режа ишлаб чиқилиб, ижроси қатъий назоратта олинади.

Кадрлар тайёрлаш тизими

Миллий матбуот марказида "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлигини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга, тадбирда Юртбошимизнинг 2013

йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик университети сифатида қўйта ташкил этилганлиги ҳамда ушбу қарор мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан модернизация қилишга қаратилган ислохотларга ҳамохан бўлганлиги алоҳида қайд этилди.

Матбуот анжуманида ўтган давр мобайнида бакалавр ва магистрларни тайёрлаш билан боғлиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва

дастурлари қайта ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот берилди.

Йиғилиш давомида ҳуқуқ соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларга ҳам жиддий эътибор қаратилиб, университет тизимида Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилганлиги айтиб ўтилди.

Тадбир якунида замонавий юридик фаннинг ютуқларини инobatта олган ҳолда ўқув ва ўқув-методик, илмий адабиётлар, ҳуқуқий фанлар бўйича янги дарслик ва қўлланмаларни тайёрлашдан келиб чиққан комплекс

дастур ва режалар, мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш талаблари, талабаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мажбурий амалиёт ўташ тартиби, хорижий тилларни ўрганиш асослари, таълим даргоҳининг халқаро алоқаларини ривожлантириш, илмий-тадқиқот фаолиятига ёшларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасида ҳам маълумотлар берилди.

Фарзандларимизга бефарқ бўлмайлик

Келажақ авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", деб белгиланганлиги бежиз эмас.**

Мамакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича етарли қонунчилик базаси яратилган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг қонуний ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир. Уларда белгиланган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик сингари вазифалар ижросини таъминлаш, нафақат қонун талаби, балки ҳар биримизнинг бурчимиз ҳамдир.

Беруний туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борада бир қатор назорат тадбирлари амалга оширилди. Аввало ёшларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, 21 минг киши সিғадиган "Наврўз" стадиони, 58 та спорт зали ва 234 та спорт майдончаларида минг-

лаб ёшлар спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланмоқдалар. Шунини мамнуният билан айтиш мумкинки, 28 нафар ёшларимиз Наврўз байрами арафасида туман ва вилоят миқёсида ўтказилган футбол ва волейбол бўйича мусобақаларда туманимиз шарафини ҳимоя қилиб, биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар. Шу билан бир қаторда, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Сиз қонунни биласизми?", "Биз буюк юрт фарзандларимиз!", "Диний экстремизм — душманимиз" каби мавзуларда қатор учрашув ва суҳбатлар ҳам ташкил қилинапти.

Бироқ гурӯҳ курмаксиз бўлмайди, деганларидек, давлатимиз томонидан яратилаётган бундай ғамхўрликларни оёқ ости қилаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, тумандаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ф.Ярилкапова туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилиб, Қ.Назаров билан турмуш қуриб, қонуний никоҳдан ўтмай яшаганлигию, қиз фарзанд кўргани,

оилавий келишмовчиликлар туфайли у билан 2012 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб алоҳида яшаб келаётгани, ҳозирда Қ.Назаров вояга етмаган фарзанднинг таъминоти учун алимент тўламай қалаётганлигини маълум қилиб, қизининг оталигини белгилаб, алимент ундириб беришда ёрдам сўраган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддаси 2-қисмида "Вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрли равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади" деб кўрсатилган.

Ушбу қонунга мувофиқ, вояга етмаган Р.Ярилкапованин манфаатини кўзлаган ҳолда, фуқаро Қ.Назаровни вояга етмаган фарзанднинг отаси деб белгилаб, ундан алимент ундириб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлари судига даъво ариза киритилди ва Ф.Ярилкапованин аризаси тўла қаноатлантирилди.

Тумандаги "Махтурмуқли" ОФЙДа яшовчи фуқаро Алимбой Дурдибаев эса туман прокурори номига ёзган аризасида 2004 йил 18 январда Беруний туман "Абай" ОФЙДа яшовчи фуқаро Нигора Машарипова билан оила қурганилиги, Мухлиса ҳамда Аббор исм-

ли фарзандлари туғилгани, 2011 йилнинг январь ойида турмуш ўртоғи у билан ажрашиб, фарзандларини олиб, ота-онасининг уйига кетиб қолганлиги, 2012 йил 13 июнь куни болаларини А.Дурдибаевнинг уйига олиб келиб, "Бу тирик етимлар керак эмас", деб онасига ташлаб кетганлиги, шу сабабли фарзандларини қонуний равишда ўзининг тарбиясига олиб беришни ва собиқ турмуш ўртоғи Н.Машариповани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Аниқланишича, фуқаро А.Дурдибаевнинг уйда фарзандлари яшати учун барча шарт-шароит ва қулайликлар мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексиде "Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари, қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт"лиги белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу ко-

Равшанбек БАУАДИНОВ,
Беруний туман прокурори

декс билан ота-оналар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ҳам мустақамлаб қўйилган.

Шу сабабли, оналик мажбуриятларидан бош тортиб, фарзандларини турмуш ўртоғининг уйига ташлаб, уларнинг келажақдаги тақдирига бефарқ қараган ҳолда Россия Федерациясига кетиб қолгани, икки нафар фарзанди бугунги кунда турмуш ўртоғи А.Дурдибаевнинг тарбиясида эканлигини инобатга олиб, фуқаро Н.Машариповани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлари судига даъво ариза киритилиб, қаноатлантирилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, жорий йилнинг юртимизда "Соғлом бола йили" деб номланishi ҳамда махсус Давлат дастурининг амалга оширилаётганлиги халқимизнинг орзу-умидлари ва интилишларини яққол намоён этади. Зеро, жисмонан баркамол, маънан етув ва чуқур билимга эга фарзандларни тарбиялаш буюк келажақ сари ташланган муҳим қадам ҳисобланади. Бу нафақат бир киши ё бир оиланинг вазифаси, балки умумхалқ ишидир.

«Назр-ниёздан қочмасангиз...»

ёҳуд 200 АҚШ долларига сотилган обрў

Шухрат Норов Нишон тумани Нуристон шаҳарчасидаги "Коммунал хизмат кўрсатиш" корхонаси бошлиғи лавозимида ишлаш жараёнида шаҳарчининг тозаланиш ҳамда ободлигини таъминлаш ўз имзасига асосий вазифа эканлигини яхши билар ва бунга сиқимланган ёнашарди. Бироқ қалбини нафс балосидан ҳимоялашга ироаси етмади.

2014 йилнинг февраль ойида пенсияга чиқишига бир йил қолган Одил Қурбонов бирор жойда ишлаб туриш ниятида "Коммунал хизмат кўрсатиш" корхонасига кириб келди. Идорада уни корхона бошлиғи Шухрат Норов қарши олиб, нима мақсадда келганини сўради. О.Қурбонов узоқ йиллар хайдовчи бўлиб ишлагани, ҳар қанақа иш бўлса ҳам ишлаш ниятида эканлигини айтди. Бошлиқ корхонада техника йўқлиги, имкон бўлса, уни оддий ишчи сифатида ишга олиши мумкинлигию, аммо айна вақтда иш йўқлигини билдирди. О.Қурбонов кейинчалик бўлса ҳам ишга олишини илтимос қилди. Вазиятдан фойдаланган раҳбар "Назр-ниёздан қочмасангиз, иш албатта, бўлади", деди ва ишга кириш масаласи тахминан 200 АҚШ доллари ёки шу миқдордаги пул ёвазига ҳал бўлиши мумкинлигини қистириб ўтди.

Бу пулни топиш оддий ишчи учун мушкул эди. Аммо оилани тебратиш учун меҳнат қилиш керак. Шу боис Одил 2014 йилнинг 11 мартда ҳужжатларини олиб, яна Ш.Норов билан учрашиш мақсадида унинг идорасига келди. Бу вақтда раҳбар чиқиндиларни тозалатиш учун чиқиб кетгани ва О.Қурбоновни ҳам ўша ерга чақирди. Айтилган жойда учрашиб, О.Қурбоновнинг ҳужжатларини кўздан кечирди. Меҳнат дафтарчасини кўриб, аввалги ишидан интизомий жазо билан бўшатилганлигини баҳона қилди ва "Сизни ишга олиб бўлмас экан", деган жавобни айтди. О.Қурбоновнинг умидсиз нигоҳини кўриб, бунинг битта йўли борлигига шама қилди. Бармоқлари билан иккинчи кўрсатиб, "кўкидан" деб қўйди.

Суннат АЗИЗОВ,
Нишон туман прокурори ўринбосари

Таажубли ҳол. Киши муҳтожликдан иш сўраб келса-ю, раҳбар унга тамағирлик қилса! Бу раҳбар "назр-ниёз" ёвазига ишни битирадиган даврлар аллақонан ўтиб кетганлигини, бугунги жамиятда қонун ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш олиб бориш лозимлигини наҳотки унутган бўлса?! Унга ишониб топирилган вазифани сиқидилдан бажариш ўрнига аллақандай "назр-ниёз"лардан умидвор бўлишга унинг қандай маънавий ҳаққи бор?

Уша лаҳзаларда О.Қурбоновнинг ҳаёлидан кечган бундай саволлар унга тинчлик бермасди. Тамағир раҳбарнинг хатти-ҳаракатидан жажли чиқди. Кейин адолат истаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишга мажбур бўлди.

13 март куни О.Қурбонов ишга кириш учун ҳужжатлари ва меҳнат дафтарчаси ичида "назр-ниёз" сифатидаги 200 АҚШ долларини кўтариб, раҳбарнинг хонасига кириб келди. Ш.Норов ҳужжатларини эринмай, қайтадан кўриб чиқди. Навбат меҳнат дафтарчасига келганида эса озида табассум уйнади. Уни очини билан кўзи дастлаб "қўки"га тушди. О.Қурбоновнинг ишга киришини сўраб ёзган аризасига дарҳол "2014 йил 14 мартдан буйруқлаштиринг!" дея имзо қўйди. Атиги 200 долларга иймонини, виждонини, обрўсини пуллаган раҳбарнинг қувончи узоққа чўзилмади. Пулни олган заҳотиёқ жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди томонидан Шухрат Норовга нисбатан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва 2 йил муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳақиқат қарор топди. Зеро, тамағирлик, порахўрлик билан ҳеч қандай ҳеч қонан обрў топмаган. Нафсининг қулуга айланган баъзи кимсалар бу воқеадан сабоқ чиқаришса, фойдадан холи бўлмасди.

Халқимизда тикансиз гул, машаққатсиз ҳунар бўлмас, деган ибора бор. Таббиркорлик азал-азалдан иқтисодий тараққиётнинг устуни, ижтимоий барқарорликнинг муҳим суянчиги бўлиб келган. Ҳар қандай фаолиятда таббиркор бўлиш, яъни ишнинг кўзини билиш халқимизда улғу фазилатлардан саналган. Шунинг учун ҳам ишбилармон кишилар ҳамиша эл ардоғида бўлиб келишган. Чунки улар нафақат ўз ҳаётлари, балки жамият фаровонлигини ҳам кўзлаб иш туттишган. Инсоният тараққиётига ҳамоҳанг равишда таббиркорлик ҳам ривожланиб борган. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий таббиркорлик мамлакат иқтисодиётининг салмоқли қисмига айланиб бормоқда.

Қонундан четга чиқмаслик лозим

Расулбек ШЕРЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

Х аётда қандай манзилга боришингиз, қайси йўлдан юришингизга боғлиқ экан. Ботиржон Саломов (исм-фамилияси ўзгартirilган) фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ноқонуний ишга қўл урди. У таббиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ўрнига, ноқонуний равишда цех ташкил қилиб, қурилишда ишлатиладиган қоришма учун қадоқлаш воситаси, яъни турли хил идишларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, қонунга хилоф равишда даромад топишни касб қилди.

СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган таббирдан унинг қилмиши фож этилиб, цехда мавжуд бўлган 16 млн. сўмга яқин хомашё, уларни тайёрлашда ишлатиладиган қўлбола воситалар, маҳсулот савдосидан тушган пуллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Таббиркорлик аслида соғлом рақобат, мулкка янгича муносабат демакдир. Қилмишдан тўри хулоса чиқариб, пушаймон бўлганлиги, ҳуқуқбузарлигининг ижтимоий хавфи катта бўлмаганлиги сабаб, унга ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Натижада Ботиржон Саломов қонуний таббиркор деган номга эга бўлди.

Таббиркорлик бугунги кунда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва танчанга айланиб бормоқда. Республикада қабул қилинган бу борадаги қонун ва ҳужжатлар янги иш ўринлари, рақобатбардор маҳсулотлар яратишга асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Тадбирлар кўламини кенгаймоқда

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий им-фан ютуқларини пухта ўзлаштирадиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида кенг кўламли ишлар тизими равишда олиб боришмоқда. Шу мақсадда 2014 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши ва ушбу қарор билан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тасмилланди.

Камолитдин ПАРПИЕВ,
Бўз туман прокурори

Д.Мамасолиев эса оқори синфлар ўртасида ўтказилган беллашувда голиб деб топилди. Унга 1 та компьютер жамланмаси ва бадиий китоблар топширилди.

Бундан ташқари, мазкур тадбирни ўтказиш жараёнида туман табиёт бирлашмасининг врачлар маслаҳат комиссияси томонидан техника воситаларига муҳтож ногиронлар аниқлаб олинди, уларга "Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази"дан 2 та ногиронлик арава-часи олиб берилишига эришилди. Масалан, 4-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Б.Маърипова уй шароитида, яқка тартибда таълим олади. У мутахассислар кўригидан ўтгач, ногиронлар аравачасига муҳтожлиги маълум бўлди ва аравача билан таъминланди. Шунингдек, 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси И.Абдукаримовга ҳам мутахассислар хулосасига кўра ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Голибларни тақдирлаш маросимлари уларнинг яшаш хонадонларида ўтказилди.

Ҳозирда туман прокуратураси ҳамда ҳокимлик хузурида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия халқ таълими тизими мутасаддилари билан ҳамкорликда ёшларнинг онги ва тафаккурини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган кўламли тадбирлар кўламини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтларини умумий ўтказишга қаратилган турли қўриқ-танловлар, рақарак фаолиятини кучайтириш орқали вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгила, шу асосда фаолият юритилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшлар келажагини эгалари, юртимизнинг ишончли ворисларидир. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқарашини, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб, шу жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Уйлаймизки, бугунги кун имтиёзлари, имкониятлари ёшларнинг маънавий оламиди янада бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга, энг асосийси, уларда Ватан учун, оиласи учун масъуллик ҳиссини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимиз қиёфаси тобора чирой очиб, кундан-кунга ўзгариб бормоқда. Жумладан, Урганч шаҳрида амалга оширилган бунёдкорликлар юртошларимизнинг фаровон турмуш кечиршини таъминламоқда.

Хизматлар аҳолига манзур бўлсин

Ғулумбек АТАЖОНОВ,

Урганч шаҳар прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси

Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги кўп қаватли уйларида истикомат қилиши инobatга олинган ҳолда, ушбу турар жойлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, саранжом-саришталгини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ноконуний бинолар бузилиб, кўп қаватли уйлари таъмирдан чиқарилганлиги шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди ва аҳоли учун кўпгаб қулайликлар яратди. Эндиликда кўпгаб кўп қаватли турар жойлар атрофида болалар ўйингоҳлари, бассейнлар, спорт майдончалари барпо этилиб, ўриндиклар ўрнатилган.

Ушбу, кўп қаватли уйлар ичкарасидаги аҳвол қандай? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Урганч шаҳар прокуратураси томонидан тегишли мутахассислар иштирокида шаҳардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг муқожаатлари тўғрисида"ги Қонунлари ижросидан текшириш ўтказилди.

Бугунги кунда шаҳар ҳудудида 37 та маҳалла бўлиб, шундан 21 та маҳалладаги 546 та кўп хонадонли уйларида 52 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун қаратилган шароитлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг ажратилиши аҳоли учун кўпгаб қулайликлар яратилишига сабаб бўлмоқда. Чунончи, 2013 йилда 36 та ширкатга тижорат банклари томонидан 303,9 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағ уйларидаги том қисмини, оқова, иссиқ ва совуқ сув қувурларини, кириш йўлакларини таъмирлашга, темир эшиклар ўрнатишга ва бошқа мақсадларга сарфланган. Шунингдек, кредитлар ҳам ширкатлар томонидан белгиланган график асосида ўз муддатларида қайтарилмоқда.

Бугунги кунда шаҳардаги ширкатларнинг коммуникация тизимларида содир бўладиган носозликларни ўз вақтида бартараф қилиш учун 12 та профессионал бошқарув ва сервис ташкилотлари хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, ушбу ширкатлар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг йил сайин охиб бораётганлиги юртошларимиз томонидан эътироф этилмоқда. Шу билан биргаликда, ширкатларнинг кўпчилигида деярли бир хил қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, 52 та ширкатдан 50 тасида муддатга ўтган қарздорлик ҳолатлари мавжуд. Ушбу маблағларни ундириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас.

Бундан ташқари, ширкатларда кўрсатиладиган хизматлар бўйича маълумотлар ҳақларида акс эттирилмаган. Бу билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси, 1-қисми талаблари бузиб келинмоқда. Қолаверса, ширкат хизмат кўрсатадиган хонадонлар билан ширкат ўртасида ёзма равишда шартномалар тузилмаганлик ҳолатлари ҳам кузатишмоқда. Ширкатлар қаромоғидаги уйларида истикомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга ширкат томонидан хизмат кўрсатишда имтиёзлар йўқлиги маълум бўлди. Ширкатнинг ёр устаси, умумий мол-мулкнинг асралиши ва сақлиниши устидан назорат тўғри йўлга қўйилмаган.

Ширкатларда меҳнат қончилигидаги ривож қилиниши аҳоли ўрганилганда, ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилмаганлиги, касабга уюшмаси қўмитаси билан келишиб тасдиқланган меҳнат таътили жадвали мавжуд эмаслиги, меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишда, айрим шахсларга имтиёзли қулай иш шартлоларини яратиш беришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормаларига риоя қилинмаётганлиги, баъзиларида эса иш ҳақидан қарздорлик мавжудлиги ҳам кузатишди. Булардан ташқари, айрим уйларида ертўлалини оқова сувлар босган, том қисмидан чакки ўтиш каби камчиликлар барҳам берилмаган.

Юқоридagi камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш юзасидан вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига тақдимнома киритилиб, 38 та ширкатга нисбатан маъмурий иш кўзга тутилди ва қўриб чиқиш учун шаҳар ДСИга юборилди.

Жазирама кўнлар ҳам бошланди. Бу мавсумда уй-жой мулкдорлари ширкатларидан ўз тасарруфларидаги турар жойларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш талаб қилинади. Хусусан, кўп қаватли уйлар ертўлалининг дезинфекция қилиш чораларини кучайтириш зарур. Ушбу чораларнинг амалга оширилиши кўп қаватли уйларида истикомат қилувчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бониси, бу уйларидаги хонадонларнинг аксариятида келажак эгалари — болалар вояга етмоқда. Уларнинг ёзни турли юқумли касалликлардан ҳоли ўтказишлари ширкатлар хизматида ҳам боғлиқ. "Соғлом бола йили"да барча соҳаларда фарзандларга гамхўрлик қўйатирилган бир пайтда ширкатлар ҳам бу жараёндан четда турмасликлари лозим.

Дастурда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаолигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни кўпгаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалаларга қаратилган тадбирлар белгиланган.

Буларнинг барчаси амалга оширилаётган ислохотларда ёшларнинг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг таълим-тарбияси, билим-малакаси ва турмуш даражасини янада оширишга, ижтимоий ҳимоя қилишга, умуман, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

Президентимиз қарори билан дастур ижросини таъминлаш бўйича республика ички гуруҳи ҳам тузилган бўлиб, уларга дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савида ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда унинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда ахборот бериб бориш вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, қарорда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарларининг дастур ижросига шахсий масъулиги белгиланган бўлиб, республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу механизм йўлга қўйилган.

Бўз туман прокуратураси томонидан мазкур қарор ва дастур ҳамда вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини устидан доимий назорат ўрнатилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, туманда-

ги таълим муассасалари ўқувчиларининг бўш вақтларини умумий ва мазмунли ўтказиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ўқиш ва яшаш жойларидаги тарбиявий ишларнинг аҳоли доимий эътиборда турибди. Ана шу саъй-ҳаракатлар доирасида туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ҳудуддаги уй шароитида, яқка тартибда таълим олаётган ногирон ўқувчиларнинг ҳолидан хабар олиш, шароитлари билан танишиш, уларнинг билим савиясини ошириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида мазкур тоифадаги ўқувчилар ўртасида турли фанлар бўйича "Билимлар беллашуви" тадбирини ўтказиш ташаббуси ўртага ташланди.

Туман прокуратурининг мазкур йўналишдаги топшириғига кўра, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг буйруғи қабул қилиниб, "Билимлар беллашуви" тадбирини ўтказиш бўйича тегишли низоми ташкил қилди ва барча таълим муассасаларига етказилди.

Низом асосида ташкилий қўмита тузилиб, малакали фан ўқитувчиларидан иборат "Ҳакамлар ҳайъати" шакллантирилди. Ушбу беллашувда тумандаги уй шароитида, яқка тартибда таълим олаётган 24 нафар ногирон ўқувчи иштирок этди. Танлов якунлари бўйича комиссия томонидан голиб деб топилган 6 нафар ўқувчига "Фахрий ёрлик"лар билан биргаликда ҳомий ташкилотлар томонидан 10 та гилам ва 1 та компьютер жамланмаси ҳам топширилди. Жумладан, 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси, уй шароитида, яқка тартибда таълим олаётган Ё.Солиева 2-синфлар ўртасидаги тест сивовлари бўйича голиб чиқди ва у "Фахрий ёрлик" ҳамда совғалар билан тақдирланди.

15-умумтаълим мактаби ўқувчиси, уй шароитида яқка тартибда таълим олаётган

Тадбиркорлик соҳасидаги ислохотлар

Мамлакатимиз ўзи танлаган тараққиётнинг "ўзбек модели" йўлидан олға илдамлаб бормоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Таъкиллаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ана шундай ислохотларнинг натижаси сифатида 2012 йилнинг 20 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунини келтиришимиз мумкин. Асосий мақсади тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган мазкур қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг "бир дарча" орқали берилиши мустақамланди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун банк соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари муҳим аҳамиятга эгадир. 2014 йилнинг 10 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида "Тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиши тартиби тўғрисидаги низоми"ни қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига ушбу соҳада рухсат бериш тартиб-таомиллари муҳим ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.


Мазкур қарор билан қуйидаги низоми тасдиқланди:

- Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низоми;
- Банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқига сертификат беришда рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги низоми;
- Юридик шахслар — резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамлари очишга рухсатнома берилган бериш тартиби тўғрисидаги низоми;
- Ваколатли банклар томонидан нақд хорижий ва (ёки) миллий валютани олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низоми;
- Янги бизнеснинг (банк филиалининг) Марказий банк талабларига мувофиқлиги ёки мўлжалланаётган бизнеснинг (банкнинг), асбоб-ускуналар, касб узелининг тайёрлиги ва дастурий-техник воситалар билан жиҳозланганлиги тўғрисида ҳулоса бериш тартиби тўғрисидаги низоми;
- Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми.

Қайд этилган қарор билан тасдиқланган ҳар бир низомида тегишли рухсатномаларни олиш тартиби, рухсатномаларни олувчиларга нисбатан

қўйилган талаблар, рухсатнома берувчи орган томонидан рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгилаб берилди.

Чунончи, қайд этилган қарор билан тасдиқланган "Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги Низомига биноан, банк фаолияти соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан қуйидаги ҳаракат ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш учун берилди:



- банкнинг 20 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари — банкларнинг акцияларини сотиб олиш;
- банкни қайта ташкил этиш;
- банкни ихтиёрий тугатиш;
- банклар томонидан ўз акцияларини сотиб олиш;
- банк филиалини рўйхатдан ўтказиш;
- банклар томонидан шўъба банклар, ўз филиал ва ваколатхоналарини очил, хорижда банклар ташкил этиш.

Ундан ташқари, "Банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқига сертификат беришда рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Низомида банкларда аудиторлик текшируви ўтказишда рухсат бериш талаблари ва шартларига оид масалалар, "Юридик шахслар — резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамлари очишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомида хорижий давлатларда миллий ва хорижий валюталардаги ҳисоб рақамлари очиш шартлари ва рухсат бериш талаблари мустақамланган.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни янада қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти субъ-

ектларининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда банк кредитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган "Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низомида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валю-

тада кредитлаш тартиби белгиленган.

Хусусан, ушбу Низомига биноан қарз олувчи кредит олиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат баннга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- қарз олувчининг банк ҳисоб varaғига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;
- қарз олувчининг тақдим қилган тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

— кредит таъминоти турлари билан.

Гувоҳи бўлганимиздек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш тартиблар ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти субъектлари сонининг ошишига, аҳоли бандлиги масаласини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейинги ўтган даврга назар ташлаш, Президентимиз раҳнамолигида ва бевоқиф ташаббуси билан инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда ҳуқуқ тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган амнистия институти ташкил қилинганга гувоҳ бўламиз.

Халқимизга хос фазилат

Ҳикматилло ҲАМРОЕВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"Амнистия" сўзи латин тилидан олинган бўлиб, "унутиш, кечириб, афв этиш" деган маъноларни англатади. Амнистия институти ўз мазмун-моҳиятига кўра, жиноят содир этган ёки жазо ўтаётган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ва баргиркемлик намунасиридир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ва жамят ҳаёти билан боғлиқ энг улғу саналар, айниқса, мустақиллик байрами ёки Конституцияимиз қабул қилинган кўнрақ кўнрақда Президентимиз томонидан, 2005 йилдан бошлаб эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан парламент юқори палатаси — Сенат томонидан амнистия ақтининг қабул қилиниши аънаанага айланди. Ўтган даврда Президентимиз томонидан жами 15 мартта амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинган бўлса, Сенат ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида жами 9 мартаба Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги ҳужжатлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Уларда амнистия ақти қўлланилиши мумкин бўлган шахслар доираси кенгайтирилмоқда. Масалан, 2001 йилгача эълон қилинган амнистия ақтлари уюшган гуруҳ таркибиде жиноят содир қилган шахсларга, 2002 йилгача эълон қилинган амнистия ақтлари эса гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаган. 2000 йилдан бошлаб амнистия ҳужжатларида мазкур ҳужжат таъсирига тушган чет эл фуқароларини жазодан озод этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2001 йилдан бошлаб эса таъкиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалаш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилаётгани ҳам инсонпарварликнинг юксак намунасиридир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, амнистия ақти билан жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларга нисбатан жазонинг ўталмай қолган қисқартиришга оид қонда жорий этилмоқда, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг учдан бир ёки тўртдан бир қисми қисқартирилгани уларнинг ахлоқан тузалаш йўлига тезроқ ўтишига, энг асосийси, маҳкумларга нисбатан ЖКнинг 73, 74-моддаларига назарда тутилган инсонпарварлик далолатномалари муддатидан олдин қўлланилишига ёки кейинги амнистия ақтига асосан жазодан озод бўлишига имкон яратмоқда.

Навоий вилояти ҳудудидаги жазони ижро этиш муассасаларида амнистия ақти таъсир доирасига тушувчи 49 нафар маҳкумининг ўталмаган жазолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 7-банди "а", "б" кичик бандларига асосан қисқартирилганлиги муносабати билан ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаганлиги учун улар Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Қарорининг 4-бандига асосан жазодан озод қилинди.

Шунингдек, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия ақтига асосан ўталмаган жазо муддатларининг қисқартирилиши муносабати билан 2013 йил давомида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган 65 нафар маҳкум ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинди. 436 нафар маҳкумининг ўталмаган жазолари эса ЖКнинг 74-моддасига асосан енгилроғига алмаштирилди.

Худди шу каби 2013 йил 12 декабрдаги амнистия ақтига асосан ўталмаган жазо муддатлари қисқартирилиши муносабати билан жорий йилнинг ўтган даврида 22 нафар маҳкум ЖКнинг 73-моддасига асосан, 212 нафар маҳкум ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатилди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори Навоий вилоятида жами 4615 нафар шахсга нисбатан қўлланилди.

Хулоса ўрнида айтилган бўлса, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили амнистия ақти қабул қилиниши билан бирга, унинг ижросини таъминлашга давлат ва нодавлат ташкилотларининг сафарбар этилиши, прокуратура органлари зиммасига унинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши назорат қилиш вазифаси юклатилиши, унинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши, очик-ошкора амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпуси бевоқиф иштирок этиши, хулоса, буларнинг барчаси юртимизда инсонпарварлик принципи мустақам ўрин эгаллаганидан далолат беради.

Ёшлар, таклифингиз, ташаббусингиз борми?

СИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁРМИЗ

Нурали БЕРДИБОЕВ,
Оқдарё туман ҳоқими,
воёга етмаганлар ишлари
бўйича комиссия раиси

Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинши муносабати билан 6 февралда қабул қилинган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларга, хусусан, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши борасидаги ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бериш.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги мазкур комиссиянинг ёшларни камол топтириш, ёш вақтларини мазмунли ўтказиш, давоматни яхшилаш, бандлигини таъминлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган қарорлари ижросидан келиб чиққан ҳолда Оқдарё туман ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия туман прокуратураси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларга яна бир қўлайлик яратиш мақсадида Маҳдуми Аъзам мажмуаси ёнида "Камолот боғи" ташкил этиш учун ер майдони ажратилди. Ушбу ҳудудда туман корхона-ташкilot ёшлари томонидан катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Манзарали дараклар, гул кўчатлари ўтказилиб, қисқа фурсатда туман ёшлари учун кўркдам дам олиш маскани барпо этилди.

Хафтаннинг ҳар сешанбаси "Камолот кўни" деб эълон қилинган ва шу кўни туман кенгашига муаммо ва таклифлар

билан мувожаат қилган ёшлар қабул қилинапти. Масалан, яқинда ёш тадбиркор Мақсуд Бекназаров фаолиятида муаммога дуч келган экан. Унинг мақсадини, келажақдаги режаларини ўрганиб чиқдик ва туман марказидан тадбиркорликнинг давом эттириши учун алоҳида бино ажратилди. Ҳозирги кунда у уч нафар ёшларни иш билан таъминлади.

Бошқа ёшлар ҳам ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида ҳаракат қилаяпти. Жумладан, Оқдарё педагогика коллежидан Умида Боймолова қандолатчилик, маиший хизмат коллежидан Ализамон Қодиров компьютер хизмати, иқтисодиёт коллежидан Кундуз Шамсиева аёллар гўзаллик салони, хизмат кўрсатиш коллежидан Муштарий Абдусаломова асарличиликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олишда ёрдам сўраган. Аини пайтда уларнинг бизнес-режалари ўрганилмоқда.

Туманимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаган деган кишилар кўпчилигини ташкил этади. Бу борада ҳам ибратга молик ишлар қилинляпти. Масалан, туман прокуратураси ташаббускорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рўйхатга олиш, бино

ажратиш, банк кредитлари берилишида ҳар қандай сарсонгарчилик, тамагирлик, бюрократик ва бошқа қўринишдаги тўсиқларга барҳам бериш мақсадида тумандаги давлат бошқарув идоралари, солиқ, тижорат банкларининг масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида ҳар ойда икки марта учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Оқдарё туманидаги "Алпомиш" спорт ўйингоҳи ёнидан кўп қаватли, икки хонали 64 та ёш оилага мўлжалланган "Камолот" уйлари қурилиши учун ер ажратилиб, қурилишга тайёргарлик қўрилмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг тавсияси билан ёш оилалардан аризалар қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда бу ҳужжатларнинг асослиги, ариза бериувчиларнинг уй-жойга эҳтиёжи ишчи гуруҳ томонидан ўрганилмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва туман прокуратурасининг ташаббуси билан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда тумандаги тижорат банклари ҳамкорлигида 7-сонли болалар мусика ва санъат мактабида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 28 та корхона, ташкилот ва муассаса 347 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 23 нафар касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлашди. Шунингдек, туманнинг Қирқдархон даҳасида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 854 на-

фар фуқаро қатнашиб, унда тумандаги 28 та корхона-ташкilot 530 та бўш иш ўринларини таклиф қилишди. Ушбу тадбир давомида кўпгина фуқаролар ўзларига муносиб иш топган бўлса, қолганлари мутахассислардан керакли маслаҳат олиш имконига эга бўлишди.

Жорий йилда тумандаги етти та касб-хунар коллежини 37 мутахассислик бўйича 2240 нафар ёшлар битирди. Бугунги кунда уларнинг 2180 нафари, яъни 97,3 фоизи билан ишга қабул қилиш ҳақида уч томонлама шартномалар тузилган. 12 нафарига 46 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, бандлиги кафолатланган.

Асосий мақсадимиз нафақат коллеж битирувчилари, балки тумандаги барча ёшларнинг бандлигини таъминлаш, таклиф, ташаббус билан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этишда ёрдам беришидир.

Туманда меҳнат бозоридagi талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, "Иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастури" ишлаб чиқилди. Унга қўра, жорий йилнинг ўтган даврида 985 та иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунга келиб бу режа ортиғи билан бажарилганини айтиш мумкин.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига 404 нафар фуқаро ўш сўраб мувожаат қилган эди. Уларнинг 362 нафари тумандаги иқтисодиётнинг турли

соҳаларига ўз касб мутахассисликларига мос келадиган бўш, квота ҳамда янги яратилган иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

Туманда ўсмирларни соғломлаштириш, воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, спортга ва ўқишга қизиқтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида комиссия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бу ўринда қишлоқ қизлари, шунингдек, тарбияси оғир, ички ишлар идораларида профилактика назоратида турган ёхуд ота-онаси ҳазони ижро этиш муассасаларида бўлган воёга етмаганларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда тумандаги "Пўлатдархон" ва "Даҳбет" даҳаларида барпо этилган намунавий уй-жойлар ҳудудларида суний чим ётқизилган спорт майдончалари ёшларимизга бепул фойдаланишга топширилди.

Ёшларга таълим-тарбия бериш борасидаги Ўртбошимизнинг кўрсатган йўлидан бориш натижасида туманда ижтимоий-сиёсий муҳит янада юксалишига эришилмоқда. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида шуни айтиш ўринлики, туманимизда воёга етмаганлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам жиноятлар содир этилмади. Бу каби ижобий ишлар давом эттирилмоқда.

Эзгу мақсадлар йўлида

Ойбек ХОЛМАТОВ,

Фаргона транспорт прокурори ўринбосари

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади ва бу масалага давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш ишларида ёшларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновациялар тараққийланиш энг муҳим шарт ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ривожланишига оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда мустақиллик йилларида болалар ва ёшларга оид қонунийликнинг асослари яратилиб, унинг ижроси бўйича қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилиб келинаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ёшларга оид 30 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос вазициясини бажариб келмоқда. Айниқса, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиш беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатини иш-

лаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиб берди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳияти бутун жамият манфаатлари йўлида намоён бўлиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шароит ва кафолатларни яратиш каби мақсадларни кўзлайди. Мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг муҳим қисми бу уларнинг ижтимоий муҳофазасидир. Бунда ёш фуқаролар, уларнинг оилаларида Ўзбекистон халқи манфаатлари йўлида жисмоний, ақлий, маънавий ривожланиши ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишини таъминлаш учун давлат томонидан бериладиган кафолатлар мажмуи тушунилади.

Шу ўринда бу соҳада кеңаятган даврий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этилаётган, Юртбошимиз томонидан 2014 йилнинг 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишга қаратилган ёшлар-

га оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадини назарда тутиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Қарорга биноан Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури маъқулланди. Дастурда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб берилган.

Дастурда шунингдек, юксак маънавият, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, республиканинг барча ҳудудларида фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли вакиллари жалб қилган ҳолда "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиш, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, "Воёга етмаганларни турли маънавий

таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Шу ўринда Дастур ижросида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимиятининг барча институтлари, марказий ва маҳаллий даражадаги органлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига катта масъулият юкланган. Ҳозирги кунда ушбу Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари қизгин паллада эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз ва ушбу тадбирларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини сифатида эътироф этилар экан, бундан қўзланган асосий мақсад, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва азбадта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олишига қодир бўлиб шаклланиши ҳамда Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятга бўлиб етмишига эришишдан иборатдир.

Ҳаётда эзгу амалларни дилга жо этиб, эрк ва озодлик қадрига етиб яшашга не етсин! Бунинг учун қонуларни ҳурмат қилмоқ, нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини англаган ҳолда ҳаммиша ақл-иарок ва мулоҳаза билан иш тутмоқ кифоя. Ҳурматга сазовор бўлиб, эътибор қозонмоқлик омили ҳам айнан шу. Аммо айримлар ҳоҳида оқибатини ўйламай но-жўя гаҳам босадилар.

Она юрт қадри

Тўрабек НУРИТДИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бўлим инспектори

Наманган шаҳридаги кичик туманлардан бирида яшовчи Ноила Қаҳҳорова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оиласидан ажрашган, ота-онасига қарам бўлиб ўтиришни истамасди. Ўзи алоҳида яшашга қарор қилди. Бироқ, фарзандини боқиш, оёққа тургазиш учун пул керак.

Афсуски, Ноила бу борада энг жирканч йўлни танлади. Самарқандлик таниши Гулҳаё билан тил бириктириб, ўзи каби ҳаётда "қоқилган" қиз-аёллардан фойдаланган ҳолда пул ишлаш режасини тузди.

Тез орада "мижоз" ҳам топила қолди. — Россияга бориб ишлаб келмасам бўлмайди чоғи... — деди бир кун Ноилага дугонаси Раъно. — Бир-икки танишлар ишлаб келишди, ёмон бўлишгани йўқ...

Шу тобда Ноила ўз режаларини амалга ошириш фурсати келганини сезиб, қувониб ўтирарди.

— Э-э, Россияда нима бор?! Совуқ у ёқлар. Ундан кўра Дубайга бормайсаними?! Кунига 200-300 доллардан ишлаб келардинг, — деди у дугонасига синовчан тикилиб.

Бу таклифни эшитган Раънонинг энсаси қотди.

— У ерда бирор танишим бўлмаса... — Менинг бир танишим Дубайга одам юборади. Хоҳласанг, гаплашиб кўраман...

Эртасига Ноила Раънони телефон орқали Гулҳаё билан таништириб қўйди. Керакли ҳужжатлар тайёр бўлиб, авиабилет олинган, Ноила унга тайинланди.

— Сени Дубайда Гулҳаёнинг ўзи кутиб олади. Айтиб қўяй, унинг этагидан маҳкам тут. Бир йил демая, камидя ўн минг кўйдан ишлаб келмасанг, мен қафил!

Чиндан ҳам Раънони Гулҳаёнинг ўзи кутиб олди. Аммо негадир унинг муомаласи ўзгариб қолганди.

— Мен бу ерга келгунингизга қадар 10 минг АКШ долларни сарфладим. Аввал шуну ишлаб берасиз. Кейинги топганларингиз ўзингизники бўлади...

У шундай дея Раънонинг фуқаролик паспортини олиб қўйди. Узини эса шу атрафдаги фоҳишахонага айланган хонадонлардан бирига етаклади...

Раъно пул топиш учун жирканч кўчаларнинг барчасига кириб чиқишга мажбур бўлди. Ўзича юртига қайтолмас, ҳужжатлари Гулҳаёда бўлиб, у тинмай пул топишга мажбурларди. Гарчи Раъно "қарзи" ни алақакон узган бўлса-да, Гулҳаё уни беҳаёликнинг минг бир кўчасида саргардон этар, кўпроқ пул топишга мажбурларди...

Нихоят, икки йилга яқин вақтдан сўнгра Раъно азоб-уқубатларларга қоришиб ҳолда уйига қайтиб келди ва Ноила Қаҳҳорова устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этди. Бунгача у туйфайли Гулҳаё билан Ноила 20 минг АКШ долларини миқдорда пул "ишлаб" олишганди.

Ноила Жиноят кодекси 135-моддасининг тегишли бандлари ва 121-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганди. Амнистия тўғрисидаги қарор шарофати билангина у муқаррар жазодан қутулиб қолди. Унга нисбатан юриктирилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Ушбу воқеани баён этишдан мақсад, гоҳида инсон ўзлигини йўқотиб, қуюшқондан чиқиб кетади. Ўз нафси йўлида ҳар қандай тубаниклардан ҳам қайтмайди. Қонуларимиз эса бунга йўл қўймайди. Зеро, ҳар бир шахс ўзини ҳам, атрафдагиларни ҳам ҳурмат қилмоғи, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ меъорларига амал қилмоғи шарт.

"DVD" ва "CD" форматдаги лазер дисклар савдосини йўлга қўйган "Самарқанд Ҳумо Қуши" масъулияти чекланган жамияти директори Сухроб Яхёев Самарқанд шаҳрининг Абдурахмон Жомий ва Али Қушчи кўчаларида савло шохобчалари очиб, уларга Фирдавс ва Илҳом исми йиғитларни сотувчи этиб ишга олди.

Сухроб сотувчиси Фирдавс билан келишган ҳолда Абдурахмон Жомий кўчасидаги савдо шохобчасига кириб ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган, умумий қиймати 26 млн. 549 минг сўмлик 7574 дона лазер дискларни сотувга қўйди. Аслида у бу фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олиши керак эди. Бироқ, лицензия олишни хаёлига ҳам келтирмади. Шунингдек, дўкон растасидан ваҳшийлик, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб этувчи 301 та кинофильмлар ўрин олди. Директор Самарқанд шаҳридаги Али Қушчи кўчасида жойлашган савдо дўқонида ҳам бир талай ноқонуний ишларга қўл урди. Дўкон сотувчиси Илҳом билан ўзаро тил бириктирилган ҳолда савдодан тушган 7 млн.

Фаргона шаҳар ҳокимлиги ҳузурлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 25 октябрь кунини давлат рўйхатдан ўтказилган "Фаргона Феруз Сервис" хусусий корхонаси раҳбари лавозимда ишлаб келаётган Зухриддин Гофуровни мансаби ва ишларининг ривожига ҳовлиқтириб юборган. Бюджетга тўланган шарт бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик эвазига бойлик орттириш ташвишига тушиб қолди.

Тўғри йўл туриб...

Мирзоҳид ТОШМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фаргона шаҳар бўлими бошлиғи

Суд ҳукмидан кўчирма: "...Корхона томонидан 2013 йилнинг биринчи ярми давомида пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 826914,4 минг сўмлик керосин маҳсулоти нақд пул эвазига сотиб юборилиб, сотувдан тушган пул маблағи назорат-касса машинасига кириб қилинмаган, банк муассасасига топширилмаган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 14 январь кунини 2065-рақам билан рўйхатга олинган Низом талабларига асосан 5 фоизли ставкада 41345,7 минг сўм ягона солиқ, 2013 йил биринчи ярми давомида банкдаги ҳисоб рақамига маҳсулот учун 6201708,2 минг сўм пул маблағи келиб тушган бўлса-да, шу давр учун 2013 йилнинг 25 июли кунини Фаргона шаҳар ДСИга тақдим этилган солиқ ҳисоботларидан қолдиқ кўрсатилмаган ҳолда 5637737,9 минг сўмлик маҳсулотларда сотилганлиги кўрсатилган ҳисобот тузилган. 563970,3 минг сўм солиқ базаси қамайтириб кўрсатилган. Бунинг оқибатида 28198,5 минг сўм ягона солиқ, умумий ҳисобда жуда кўп миқдорда бўлган 69544,2 минг сўм ягона солиқни тўлашдан қасддан бўйин товланган".

Умуман олганда, З.Гофуров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 август кунини "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига номувофиқ равишда фаолият юритган.

Жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судида З.Гофуровга таллуқли жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи айбига тўлиқ иқроор бўлиб, пушаймонлик билдирди.

З.Гофуровга қонунда белгиланган тартибда ҳукм ўқилди. У узил-кесил ўташ учун 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади фойдасига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Алқисса, ўйланмасдан қилинган иш З.Гофуровга катта ташвиш туғдирди, суднинг қора курсисига ўтирди. Тўри йўлдан озсининг оқибати доимо шундай бўлади. Буни бошқа тadbиркорлар ҳам доимо ҳис қилган ҳолда фаолият юритишларини истар эдик.

Қинғир ишнинг охири

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қизилтепа туман бўлимига келиб тушган тезкор маълумотга асосан ўтказилган тезкор тадбирда Бухоро вилояти Гиждувон туманида яшовчи фуқаро Жонибек Файзуллоев Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳрига Қизилтепа тумани орқали 25000,0 минг сўмлик 10360 кг. пахта толасини қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлганга ушланган.

Ушбу ҳолат юзасидан юк автотомасини ҳайдовчиси Х.Гадовнинг аризасига асосан, фуқаро Ж.Файзуллоевнинг яшаш хонадонини кўздан кечирилганда, у ўзининг Гиждувон тумани "Вазиршоҳ" маҳалласидаги хонадонидан электр тармоқлари корхонасига 19627,8 минг сўмлик зарар етказиб, яширин цех ташкил қилгани, пахта хомашёсини қайта ишлаш ускунаси

Лицензиясиз дисклар

Ислом ШЕРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

405 минг сўм пулни назорат-касса машинасидан ўтказмасдан, банка топшириб юраверди. Бундан ташқари, иккинчи дўқонига ҳам товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 85 млн. 466 минг сўмлик 24 минг 159 дона ёзувли ва 1779 дона ёзуви бўлмаган лазер дискларни сотувга қўйди. Бу дискларнинг 894 таси ваҳшийлик, қонхўрлик, беҳаёлик ва урушни тарғиб этувчи кинофильмлар эди.

Қонунга кўра, рўйхатдан ўтказилган видеокассета ва DVD дискларда ёзилган аудиовизуал асарлар қадқоланган гилофда бўлиши, аудиовизуал асарни ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг юридик манзили, тегишли фаолият учун олинган лицензия рақами, нусха тайёрланган сана, муаллифлар ва аудиовизуал асарнинг ҳуқуқий эгалари ҳақида маълумот, давлат рўйхатидан ўтиш гувоҳнома-си рақами, берилган санаси, фильмнинг қисқача мазмуни кўрсатилган бўлиши керак. Диск савдосинини йўлга қўйган Сухроб Яхёев эса бу

қонун-қоидаларга тўла риоя қилмади. Текширув чоғида дўқонда юқоридаги камчиликлар топилиб, ноқонуний ҳолатлар юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Ноқонуний диск савдосини йўлга қўйган Сухроб Яхёев суд ҳукми билан бир йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, унга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Дўкон сотувчилари Фирдавс Жўраев ва Илҳом Гибёсовлар ҳам тегишли жазоларни олишди. Шунингдек, дўконлардан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган DVD ва CD дисклар тегишли тартибда йўқ қилинди.

Қимлар учун аризмас бўлиб кўринган диск савдосининг ҳам ўзига яраша тартиб-қоида-си бор. Бу тартибга бўйсунмаганлар қонун олдида, албатта жавоб беради.

Тамагир газчи

Қадирнияз ЕРНИЯЗОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хўжайли туман бўлими бошлиғи

Хизмат вазифасини бажаришга киришган Байрамбай ўзига бириктирилган ҳудуддаги хонадонларни текшира бошлади. Хўжайли тумани "Табан жап" кўчасида яшовчи К.Пирниязовнинг хонадонига кириб, газ ўлчагичнинг пломбаси йўқлиги ва давлат стандартдан ўтмаганлигини билган, ҳисоблаб кўрди ва ушбу ҳолат бўйича хонадон эгасига 856 минг 689 сўм жарима солинишни, газ ўлчагични давлат стандартдан ўтказиш лозимлигини айтди.

— Шунинг ўзингиз тўғрилаб берсангиз бўлмайдингиз, — илтимоз қилди хонадон эгаси.

— Гап йўқ, Далолатномани расмийлаштирмай тураман. 300 минг сўм берсангиз бўлди, — деди Байрамбай ва шу қундан бошлаб бу уйга серкатнос бўлиб қолди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Хўжайли туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда "Хўжайлитумангаз" филиали назоратчиси лавозимда ишлаган Б.Байимбетов фуқаро К.Пирниязовдан унинг уйдига газ ўлчагичнинг пломбаси йўқлиги ва давлат стандартдан ўтмаганлиги юзасидан тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштирилмаслик ва унга 856 минг 689 сўмлик жарима солмаслик эвазига талаб қилган 300 минг сўмдан 150 минг сўмни пора тарикасида олган вақтда ушланди.

Шу билан тамагир газчининг қинғир қилмишига чек қўйилди.

Маъжур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман суди Байрамбай Байимбетовга 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб ҳукм чиқарди.

Шерикларига тақдим қилиб, пахта толасини такоран ўтказиб келганлиги ҳам аниқланди.

Маъжур ҳолат юзасидан бўлим томонидан Ж.Файзуллоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди томонидан судланувчи Ж.Файзуллоевга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланлди.

Санжар ШАРАПОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қизилтепа туман бўлими бошлиғи

Долзарб муаммолардан бири

Табий ресурслардан оқилонга фойдаланмаслик мамлакат атроф-муҳити ва табиий ресурсларнинг бошқариш соҳасидаги кўплаб жиддий муаммоларнинг илк сабабчиси бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда экологик беқарорлик республикамизнинг деярли барча вилоятларида мавжуд. Юқори экологик беқарорлик, асосан, локал тусга эга. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятлари энг ноҳуш ҳудудлар ҳисобланади.

Айниқса, Орол денгизи ҳавзасида юзага келган вазият фақатгина шу минтақа мамлакатлари миқёсида эмас, балки жаҳон миқёсидаги катта муаммадир. Президентимиз Ислам Каримовнинг Орол денгизи фожиясига жаҳон ҳамжамиятининг диққатини жалб этиш, минтақадаги экологик ҳалокат оқибатларига халқаро эътиборни қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўлароқ катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳалокат оқибатларини энгиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга ошириладиган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Табиий муҳитни ҳимоя қилишга, биохилмаҳилликни тиклашга йўналтирилган кенг қўламли чоралар кўрилмоқда.

Айнан шу сабабли БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун 2010 йилнинг 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб, Нукус шаҳрида Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдирот маросимида иштирок этди.

"Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кеңиб, аҳвол ўта мураккаб эканига амин бўлдим, бу бутун инсониятни огоҳликка қорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжihatликда ҳал этиши лозим", дея таъкидлади Пан Ги Мун.

Марказий Осиё халқлари учун Орол экологик инқирози XXI аср фожиясига айланди. Ҳозирги Орол денгизи XX аср ўрталаригача дунёдаги энг катта суғорилган денгизлардан бири эди. Аслида кўл бўлган бу денгиз катталиги жиҳатидан дунёда 4-ўринда (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин), Евроосиё минтақасида эса фақат Каспий денгизидангина кичик ҳисобланар эди. Утдан асрининг 60-йиллари охиридан бошлаб денгизда сув сатҳининг паса-

йишига куйидаги омиллар сабаб бўлди: саноатнинг ўсиши ва суғориладиган ерларнинг кенгайиши натижасида сув истеъмолининг ортиб бориши; Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига кам куйилиши ва ҳақозо.

Орол денгизининг қуриши оғир экологик оқибатларга олиб келади. Орол денгизининг қуриган тубининг 2/3 қисми шўрхок ер бўлгани учун денгиздан турли томонларга ҳар йили 75 млн. тоннагача кум, чанг ва туз тарқалмоқда. Натижада бу туз ва майда кумлар Устюрт платосидан ўтиб Каспий денгизига ҳам бориб тушмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, улардан чанг тузли булутлар ҳосил бўлмоқда ва улар янада узоқроқ масофаларга тарқалмоқда. Ҳатто Ҳимолой тоғи этакларига ҳам бундай туз ва майда кумлар етиб борган. Демак, нафақат оролбўйи, балки қитъамизнинг бошқа ҳудудлари ҳам унинг натижасида экологик хавф остидадир.

Орол денгизига 60-70-йилларда 30 хилга яқин балиқ турлари мавжуд эди. Ҳозир эса ушбу балиқ турларининг 80 фоизи йўқолиб кетган. Оролбўйида балиқ ресурсларини қайта ишлаш бўйича 2 та корхона фаолият юритган бўлиб, бугунги кунда эса уларнинг фаолияти батамом тўхтаган. Шунингдек, Оролбўйидаги 18 та балиқ ва ондатра ҳўжалигидан ҳозир биронтаси ҳам қолмаган. Орол минтақаси қуш турларига ҳам жуда бой ҳудуд ҳисобланган. Унда 500 дан ортиқ қуш турлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда эса ундан 38 та тури қолган, ҳолос.

Орол денгизининг қуриши минтақа иқлими қуришига ҳам олиб келди. Чунки, илгари Орол денгизи минтақада ҳаво намлиги ва ҳароратини тартибга солувчи омил ҳисобланган бўлса, сўнгги йилларда ҳарорат ўртача 1,5-2 баравар ўсди: ёз иссиқ, қиш совуқ бўладиган бўлди. Чанг-тўзонлар кўпайиши натижасида баҳорги ва кўзги совуқ даври қўзилиб кетадиган бўлди.

Оролбўйи ҳудудига тоза

ичимлик суви танқислиги вужудга келди. Бунинг натижасида хотин-қизлар ва болалар соғлигига қўшимча хавф солинди ва Қорақалпоғистон ҳудудига бронхит касаллиги 10, жигар касаллиги 20, чақалоқларнинг касалманд бўлиб туғилиши 6 бараварга кўпайди.

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини, яъни Тожикистонда Роғун ГЭСини ва Қирғизистонда 2-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳалари, уларнинг шоша-шошарлик билан амалга оширилиши, келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги ҳусусидаги принципал масалани қатъий қўймоқда. Ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Атроф-муҳит муаммолари орасида Ўзбекистон ҳудудлари учун қуйидагилар катта аҳамиятга эга: атмосфера хавосининг ифлосланиши; сув ресурсларининг ифлосланиши ва чуқук сув етишмаслиги; аҳолининг тоза ичимлик суви билан етарлиқ таъминланмаганлиги; тупроқ шўрланиши ва таназзулга учраши; каттик чиқиндилар, шу жумладан, захарли саноат чиқиндиларининг тўпланиши; озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланиши; турлар хилма-хиллиги мажмуаларининг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ва кичкарилиши кўрсатиш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш алоҳида эътиборга молик муаммо эканлигини билдириб: "Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастиги билан боғлиқ хавфнинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги; Орол денгизининг қуриб бориши хавфи; ҳаво бузилишининг зарарланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдидлардир",

деб кўрсатган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси атроф-муҳитга бағишлангани беҳиз эмас. Унда фуқаролар атроф-табиий муҳитга, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурилик белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий меъёрлар 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган табиати муҳофазасидаги таъбирининг кўнунда ҳам ўз аксини топган.

Маълумки, бутун дунё бўйлаб инсон манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи даражада кўтарилган. Халқаро сув ҳўжалиги институти маълумотларига кўра, 20 йилдан кейин 5,5 миллиард одам сув тақчиллигига дучор бўлади, миллиард одам эса умуман ичимлик суви танқислигидан ҳалокат ёқасига бориб қолади. Атмосферага ҳар хил чиқиндиларнинг чиқарилиши таъсирида планетада глобал қизиқ хавфи юзага келмоқда. 2030 - 2050 йилларга бориб бутун дунёда ҳаво ҳарорати бугунги кундагидан 1,5 — 4,5 С юқори бўлиши мумкин.

ЮНЕП (БМТнинг атроф-муҳит Дастури) маълумотларига кўра, ер қурраси қуруқлик сатҳининг тўртдан бир қисми саҳрога айланиш хавфи остидадир.

Озон қатламнинг сийрақлашиши оқибатлари эса, ер юзасига кучли ультрафиолет радиациясининг таъсири кучайтиради. Бу эса тери раки касаллигини келтириб чиқаради, ўсимликларга, сув ости дунёсига, озиқ-овқат тизимига ва глобал экологик тизимга сўз билан таърифлаб бўлмас даражада зиён етказиши.

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу давлат сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тизими яратилган. Давлат сиёсатининг асосий мақсади экологик хавфсиз муҳит яратиш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу давлат сиёсатининг ҳуқуқий негизлари замирида атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш учун жинсий-ҳуқуқий нормалар етарлиқ ўринини эгаллайди. Бинобарин, атроф-муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофазасида қилиш воситалари самардорлигини илмий таҳлил этиш муаммоси атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш бўйича олиб бориладиган давлат сиёсатининг амалий жиҳатлари билан ўзвий боғлиқдир.

Икрамжон ПАЛВАНОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК тингловчиси

Мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофазасида қилиш ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш бўйича халқаро Конвенциялар ва битимларга қўшилган ва улар миллий қонунларга уйғунлаштирилмоқда. Шу муносабат билан халқаро Конвенциялар, атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва жинсий-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро ўзвийликни илмий мушоҳада қилиш ўзига хос алоҳида аҳамият касб этади.

Экологик хавф ҳодисасининг содир этилиши ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсури ҳалокат содир этилган жой (объект) ва ҳалокат таъсир доираси қамраб олинган ҳудудга алоҳида ҳуқуқий режим белгилини талаб этади ва бу ҳудудда махсус ҳуқуқ қўлланилиши амалга оширилади. Махсус ҳуқуқ қўлланилиши фавақулдада вазиятларда амалга оширилгани ва субъектлар учун фавақулдада ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаргани учун ҳам ушбу соҳадаги тартибга солувчи ҳуқуқлар тизимини фавақулдада ҳуқуқлар, деб тушуниш лозим.

Атроф-табиий муҳитни муҳофазасида қилишда прокуратура органлари томонидан қатор чора-тадбирлар белгилиниб, бу борадаги қонунбузарликларни бартараф этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, Оролбўйи ҳудудига қонунларнинг бажарилиши устидан Орол табиати муҳофазасида қилиш прокуратураси фаол ишларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга ошириладиган ишларга қарама-қарши экологик муносабатлар ҳали ҳам табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланишда давом этмоқда. Буни атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари тегишли органлар томонидан етарли даражада ўрганилмаганлигида ва бу муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш заруратининг юзага келганлигида кўришимиз мумкин.

Анжуман

Жамиятни демократлаштириш сари

"Пойтахт" бизнес-маркази мажлислар замида Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан "Жамиятни демократлаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви Академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Ўзбекистон Матбуот ва

ахборот агентлиги, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди вакиллари, медиа-соҳа экспертлари, марказий ва ҳудудий ОАВ журналистлари иштирок этишди.

Давра суҳбати давомида жамиятни демократлаштириш, фуқаролик институтилари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг демократик ислохотларини чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш, ОАВнинг демократик ва либерал ислохотлар мақсадларига эришишдаги роли ва ўрнини кучайтириш соҳасидаги ислохотлар натижаларини муҳокама

этиш учун мулоқот майдончасини яратиш ҳамда журналистларнинг ижтимоий масалаларни ёритиш кўникмаларини эгаллашларини таъминлашдан иборат бўлган масалалар муҳокама этилди.

Маърузачилар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" — суд ҳокимияти мустақиллиги, сўз ва ахборот эркинлиги, глобаллашув ва жадал ўзгарувчан замонавий дунё шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, ўзаро бир-бири билан боғлиқ сиёсий ва

иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштиришга доир ўзоқ мuddатли дастурнинг алоҳида аҳамиятини қайд этишди.

Тадбир давомида мамлакатда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтиларини янада ривожлантиришни таъминлаш ҳамда жамиятнинг давлат билан самарали қайта алоқасини таъминлашнинг энг муҳим элементини сифатида жамоатчилик назорати мавзусида ҳам қизиқарли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Хўрланган келин

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Онлави тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзaro ҳурmat, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айна муздао бўлур эди". Жамиятга қабул қилинган ахлоқ меъёрларини писанд қилмай, оналави низолар келтириб чиқараётганлар ҳам афсуски, учраб турибди.



Алишер ШОКИРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Шундайлардан бири Чориевлар оиласидир. Оила бекаси Адиба Чориеванинг салбий ҳулқи оиладаги муҳитга ўз таъсирини ўтказди.

У қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлашни ният қилиб ўғли Достонни бир ёш катта бўлишига қарамай, жиғини Сайёра Ярашевага уйлантиришга аҳд қилди ва 2009 йилнинг куз ойида улар турмуш қуришди. Юқорида таъкидланганидек, Адиба Чориеванинг салбий ҳулқи боис, ҳали келинлик либосини ечишга улгурмаган Сайёра турли баҳона ва сабаблар билан камситила бошланди. У ўғлига оилада эр хотинга нисбатан қаттиққўл бўлиши кераклигини таъкидлар экан, онасининг гапини икки қилмайдиган фарзанд жуфти ҳалолани арзимасган баҳоналар билан сўкадиган, ҳатто қўл кўтариб, урадиган бўлди. Онанинг "панд-насихатлари" тўфайли улар ўртасида тез-тез келишмовчиликлар пайдо бўлиб, муқаддас оила деворлари нурай бошлади. Қайнона эса икки ёш ўртасидаги низоларни бартараф этиш, уларнинг турмушини мустаҳкамлаш ўрнига келиннинг рўзгор юмушларини бажара олмаслигини рўқач қила-қила, ҳатто унинг ҳомиладор бўлишга ҳам қарамай, ўғли Достон билан биргаликда муттасил равишда камситиб, ҳақоратлаб, калтаклашга бош-қош бўлади.

Ачинарлиси, Адиба Чориева ҳомиладорлик даврининг ўзига яраша оғирликларни бўлишини яхши билса-да, келиннинг рўзгор юмушлари билан ортиқча уринтирмаслик ўрнига, хўрлаб келади. Охир-оқибат қайнона ва эр томонидан ўтказилган таъйик ва калтаклар ҳомилага ўз таъсирини ўтказди. Достон Чориев ҳамда Сайёра Ярашеваланинг ўзаро турмушдан 2012 йил январь ойида нўсонли фарзанд туғилиб, 3 ойгина ҳаёт кечирди. Эри ва қайнонаси томонидан хўрлангани етмагандай, қалбининг бир парчаси бўлмиш фарзанднинг ҳаётдан кўз юмиши Сайёрага руҳан қаттиқ таъсир этди. Буни қарангки, шундай оғир дамда

она-бола Сайёрага далда бўлиш ўрнига, уни боланинг ўлимида айблаб, камситиб, калтаклаб, турли даражадаги тан жароҳатлари етказишди.

Хўрланши ва калтаклашилларга чидай олмаган Сайёранинг назарида ўзини осибгина буларнинг барчасидан қутулиш мумкинлигини ўйлаб, жонига қасд қилади.

Судда судланувчи Достон Чориев айбига иқрор бўлган ҳолда, ғаразли, паст ниятлар замирида бундай қилмишга қўл урганлигини таъкидлади. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, суд томонидан белгиланган муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Адиба Чориева эса юртимиздаги инсонпарварлик тамойилларига биноан, амнистия актига кўра жазодан озод этилди. Уйлаймизки, А.Чориева бундай баргикенгликдан ҳамда ўйламай қилган ишлари тўфайли оилага қулфат келтирганидан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, таабиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида кўплаб қонун ҳамада қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга табиқ этиб келинмоқда.

Ҳар қилмишнинг жавоби бор

Афсус билан айтиш керакки, ана шундай яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан фойдаланиш ўрнига, белгиланган тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб фаолият юритаётган таабиркорларимиз ҳам учраяпти.

Фикримизни "Silk Voyage" МЧЖни ташкил этган Олим Муқимовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) таабиркорлик фаолияти мисолида давом эттирсак. Ўзбекистон Республикасида туристик хизматларни амалга ошириш билан шуғулланиш мақсадида МЧЖ ташкил қилган О.Муқимов ўз фаолияти давомида кўплаб қинғирликларга қўл урди. У чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун хорижий валютада ҳисоб рақами очиб керак бўлса-да, бу ишни пайсалга солган ҳолда фаолият кўрсатиб келган. Яъни чет эллик меҳмонлардан тушадиган хорижий валютани яширган ҳолда таабиркорлик фаолияти билан шуғулланган. Республикада белгиланган тартибга кўра хорижий валютада банк операцияларини амалга оширувчи муассаса келаётган даромаднинг эллик фоизини давлатга белгиланган тартибда солиши лозим.

Нима учундир бу иш Олим Муқимовга ёқмади чоғи, фаолияти давомида яширилган 586 минг 600 АҚШ долларининг тенг ярмини, яъни 293 минг 300 АҚШ долларини ҳам ваколат берилган банклар ҳисобига эмас, ўз чўнтагида қолишини истади.

Алиакбар ПУЛАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Бундан ташқари, у 2010-2013 йиллар оралигида кўрсатилган хизматдан тушган жами 62 млн. сўмдан ортиқ пул маблағини ҳам тегишли тартибда банк муассасасига топширмадан, хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб келган.

Бундай пул маблағларини яшириш ҳолатлари ўз навбатида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 68 млн. 632 минг 200 сўм ягона солиқлар тўланмасдан қолишига олиб келди.

Шунча ишни қилиб, сувдан қуруқ чиқаман деб ўйлаган Олим Муқимовга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суднинг ҳукми билан унга тегишли ҳажо белгиланди.



Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг яхши ва ёмон томонлари хусусида кўплаб фикр-мулоҳазалар библирилмоқда. Дарҳақиқат, глобаллашув оқибатида юртимизга турли ёт ғоялар ва одатлар ҳам кириб келмоқда. Ачинарлиси эса, хорижий фильмларга зўравонлиқнинг тарғиб қилиниши айрим ёшларда "шундай қилиш мумкин экан-а" деган фикр-ни пайдо қилмоқда.

Хивалик Ойбек Салаев муқаддам икки мартаба судланган. Бирок, олган жазолари ҳам, амнистия акти тўфайли кечиримга эришганлиги ҳам унга сабоқ бўла олмади. 2013 йилнинг февраль ойида Хивадаги Россия Федерациясига қатнайдиган автомашиналар турар жойининг эгаси Ҳасан Матякубов Ойбекка ҳамкорликда ишлашни таклиф қилади. Ҳасан деганлари ҳам муқаддам икки марта судланган бўлиб, унга автомашиналар тўхташ жойини вақтинча фойдаланиш учун олганлиги, бу ерда ошхона ташкил қилмоқчилиги, бироқ иқтисодий имконияти етмагани боис, Россияга қатновчи автомашиналар турар жойи ташкил қилганлигини айтади.

— Ҳаммасини зўр қиламиз. Менга ишонавер, автомашина эгаларини ўзим тартибга чақириб бераман. Бу ерда кабоқхона ҳам очамиз, — деди Ойбек. Ҳасан унга ишонди. Ахир уни бекорга "Медвед" дейишмайди-ку! Бекатда турган автомашина эгаларидан 1000 сўмдан йиғиб олинар эди. Бу

Зўравонлиги ўтмади

эса Ойбекни қаноатлантирмади. У ишга яна бир таниши Камолатдин Бобононовни ҳам жалб қилди. Кўп ўтмай улар сафига Умирбек Собиров ҳам қўшилди.

Хуллас, бу жиноий тўда Россия Федерациясига қатнайдиган йўловчиларни рўйхат қилиб, бекатдаги автомашина эгаларидан ҳар бир йўловчи учун 500 Россия рублидан талаб қила бошлашди. Бунга қарши чиққанларни ҳақоратлаб, турли дўқ-пўписалар билан кўрқитишарди.

Баҳорнинг илк куну эди. Ака-ука Қудрат ва Шихназар Худойберганов Россияга кетиш учун йўловчи олиш мақсадида бекатга келишди. Бир ма-

ҳал уч йўловчи келиб қолди. Одатга кўра Ойбек уларни ёнига чақирди. Шунда ака-укалар Ойбекнинг олдига бориб, бу йўловчиларни Россияга олиб бориб қўйиш учун изн сўрашди. Ойбекнинг рухсати билан йўловчиларнинг кетадиган куну, йўл ҳақи келишилди. Ойбек ака-укадан 1500 Россия рубли талаб қилди. Қудрат ва Шихназарнинг ёнида бунча пул йўқлиги учун 20 минг сўм таклиф қилишди.

— Бу нима деганинг? Кимни аҳмоқ қилясанлар? — дея Ойбек билан Камолатдин дўқ-пўписа қила бошлашди. — Э, айтилган пулни берасанлар ёки бу ерга умуман келмайсанлар.

Ака-укалар ҳар қанча илтимос қи-

Сардорбек ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

лишмасин, айтганлари бўлмади. Қудрат уни бир амаллаб 1000 Россия рублига кўндирди. Зўравонларга 85 минг сўм беришди. Шу билан ора очиб деб ўйлаган ака-укалар янглишган эдилар. Орадан икки-уч кун ўтиб, Камолатдин ва Ойбек Қудратга кўнғироқ қилиб, қолган 500 рублни ҳам олиб келишни талаб қилишди. Ака-ука бошқа пуллари йўқлигини тушунтириш мақсадида Ойбек билан гаплашиш учун боришганда, унинг олдида Камолатдин, Ҳасан ва Умирбеклар ўтиришганди. Улар мақсадларини айтишган ҳам эди, Ойбек тўсатдан Шихназарни тепиб қолди. Камолатдин ҳам тепмоқчи бўлганди, Қудрат уни тутиб қолишга муваффақ бўлди. Шундан кейин тўда аъзолари Шихназарни чиқариб юбориб, Қудратни дўппослашга тушишди. Шихназар ичкарига қайтиб кириб, бир амаллаб акасини олиб чиқди.

Шундан сўнг, ака-ука Худойбергановлар наҳот излаб қолишга ҳимоячиларига мурожаат қилишди.

Бизнинг мамлакатда зўравонликка, тамагирликка йўл қўйилмайди. Ушбу жиноий тўда фаолиятига ҳам қисқа муддатда нукта қўйилди ва тўда аъзолари жазога тортилди.



Ернинг увололига қолганлар

Ер — ризқ-рўз манбаи. Шунинг учун ҳам унга нисбатан ҳамиша юксак эҳтиром билан қараб, "Момо ер", "Она ер" дея эъозлаймиз. Хусусан, деҳқончилик қилинадиган юқори бонитети, яъни сугорилмаган ҳосилдор ерлар алоҳида қимматга эга ва улар ҳақнинг ҳамма давлатнинг миллий бойлиги саналади. Демак, ер мутлақ даҳслас бўлиб, уни талон-торож қилиш, ўзбошимчилик билан сотиш ёки талон-торож қилинишига йўл қўйиш ва умуман бу миллий бойликка ғайриқонуний муносабатда бўлиш жиноят ҳисобланади.

Харитага диққат билан қарар экан, Эшмирза Хушмуродовнинг ҳаёлида ажабтовур режалар намён бўлиб, ернинг даҳслислиги билан боғлиқ тушунчалар унутилди. Натихада деҳқончилик қилинадиган майдонлар, томорка учун ажратиладиган участкалар, қишлоқ қурилиши ва захиродаги ер майдонларини англатувчи чиқишлари белгиланган аралашиб кетди. Ер — бебахо бойлик. Қани энди, шу ерларнинг ҳаммасини сотиш имкони бўлса, деган хомхаёл унга тинчлик бермай кўйди. Аммо бу иш ёлғиз бир кишининг қўлидан келмаслигини ҳам биларди. Тез орада унинг ғаразли режасини маъқуллайдиган ҳамфир ва ҳамтовуқлар ҳам топила қолди. Кимсан, туман ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжаликлар ва ободонлаштириш масалалари бўйича бош мутахассиси лавозиминда ишлайдиган Э.Хушмуродовнинг ўзи бошчилик қилиб тургандан кейин унинг режасига қўшилмай бўларканми?!

Давлат мулки ҳисобланган туман ер ресурсларини талон-торож қилиш ва шу йўл билан шахсий бойлик орттириш мақсадида тузилган уюшган гуруҳ аъзолари "қўлидан иш келадиган" кишилар эди. Жумладан, жиноий гуруҳга жалб этилган туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Худойберди Нуримовга туман ҳокими томонидан турли мақсадлар учун ажратилмаган ер майдонларининг чизма харитасини қалбакилаштириш вазифаси юклатилди. Бошқарма бошлиғи уюшган гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаси асосида харитани тайёрлар ва хулосада туман бош режасига, архитектура ва шаҳарсозлик қондаларига кўра, белгиланган меъёрларни ғайриқонуний равишда бузиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритар, қалбакилаштирилган ҳужжатларни ишчи ко-

миссиясига тақдим этар ва тасдиқларди. Давлат мулки бўлган ерни талон-торож қилишга асосланган сохта ҳужжатларни ишчи комиссия аъзоси сифатида унинг ўзи ҳам тасдиқлаб, имзо чекар ва бу билан жиноий гуруҳ фаолиятининг доимийлигини таъминлаб турарди.

Уюшган гуруҳнинг яна бир аъзоси "Бобонов Очил Абдулаевич" фермер хўжалигининг раҳбари вазифасида ишловчи Очил Бабанов эди. Мазкур шахс фермер хўжалиғи ҳисобидида алоҳида муҳофаза этиладиган юқори балл бонитетли сувли, ҳайдаладиган ер майдонларини захирга қайтартириш юзасидан тақиқловчи меъёрларни бузиб уюшган гуруҳ мафратларини кўзлаб, ҳеч қандай асосларсиз туман захира ер фондига қайтариш тўғрисида хўжалик номидан сохта мажлис баённомаларини тузар, ҳужжатларни сохта-лаштирар, сохта хатлар тайёрлар ва уларга имзо чекиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширарди.

Шу йўл билан хўжалик раҳбари О.Бабанов ва унинг норасмий иш юритувчиси А.Бобонов 2010-2011 йиллар давомида "Дам" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида фаолият юритган хўжаликнинг ер майдонларини қишлоқ хўжалиғида фойдаланишдан чиқариб, сохта ҳужжатлар асосида 10 гектардан зиёд сувли ерни яқка тартибда уй-жой қуриш учун 148 нафар фуқарога сотиб юбордилар. Ҳар сотих ер 125 минг сўмга баҳоланади. Шу жумладан, 2 гектардан ортиқроқ ерни эса уюшган гуруҳ аъзолари 26 нафар фуқарога кимшоши савдоси бўйича 19 млн. 500 минг сўмга пуллайдилар. Амалга оширилган бир қатор "операция"лар уюшган гуруҳга катта миқдорда ғайриқонуний даромад келтирди.

Жиноий гуруҳ раҳбари Эшмирза Хушмуродов, гуруҳ

аъзолари Худойберди Нуримов, Алишер Бобонов, Очил Бабанов ва бошқалар экин майдонларини талон-торож қилганликлари туфайли хўжалик Шахрисабз "Дон халқ ризқи" очик акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома шартларини бажара олмай, 2011-2012 йиллар давомида галлачилик бўйича давлатга қарийб 15 млн. сўм миқдорда зарар етказилди. Шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда уруғлик пахта етказиб бериш бўйича Чироқчи тумани "Пахта тозалаш" очик хиссадорлик жамияти билан тузилган шартномалар ҳам барбод қилинди. Фермер хўжалигининг деҳқончилик учун ярайдиган ерлари "ким-ошиди" савдосига қўйилиб, сохта юборилгандан кейин пахта ва галла қаерда етиштирилсин?! Уюшган жиноий гуруҳнинг бундай ғайриқонуний фаолияти натижасида давлатга пахтачиликдан ҳам 41 млн. 934 минг сўмдан кўпроқ зиён етказилди.

Эшмирза Хушмуродовнинг ўзи 2006 йил 16 январдан 2012 йил 5 июнга қадар Чироқчи туман ҳокимлигида ишлаш баробаридида уюшган жиноий гуруҳ ишини бошқариб борди. Узаига ишониб топширилган лавозимни суиистеъмол қилиб, шахсий бойлик орттириш мақсадида туманнинг юқори балл бонитетли ер майдонлари, галла ва пахта етиштирилмаган ерларни ўзлаштириш, растрата қилиш йўли билан пора эвазига талон-торож этиш, ўзи ва гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан режалаштирилган жиноятларнинг амалга ошишини таъминлаш, гуруҳ аъзоларига йўл-йўриқлар кўрсатиш, уларни ўз қўриқсига остига олиш ва шу орқали жиноят илдишларини яшириш йўлини тутди.

Гуруҳга раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, шахсан ўзи ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, фуқаро Гулчехра Алибоевага ер майдонини деҳқон хўжалиғи сифатида расмийлаштириб бериш учун 2011 йил октябрда 100 АҚШ долларини пора тариқасида олди. Хусусий савдо дўкони қуриш учун 78 квадрат метр жой ажратилиш билан боғлиқ ҳужжатларни имзолатиш учун келган фуқаро Дилором Қулбулоевдан эса 200 минг сўм талаб қилди. Шунингдек, 2011 йил-

нинг июнь ойида Акрамжон Юсуповдан кичик бир бўлак ер учун 1000 долларини ундириди.

Гуруҳ раҳбари жиноий фаолиятини давом эттириб, А.Бобонов билан биргаликда ҳаракат қилиб, 2010 йил август ойида уй-жой қурилиши учун 6 сотих ер ўлчаб бериш эвазига фуқаро Севара Боқиевадан 4 млн. 800 минг сўм, фуқаро Бахтиёр Жаниевдан 10 млн. 500 минг сўм, Раъно Ишанқуловадан ҳам ер ўлчаб бериш эвазига 500 минг сўм пора олади. Шундай қилиб, улар (жами 19 ҳолатда) давлат мулки бўлган ерни сотиб, фуқаролардан катта миқдорда пора олиш билан шуғулландилар.

Эгаллаб турган лавозимини суиистеъмол қилиш ва ундан шахсий бойлик тўплаш масалаларида гуруҳ аъзоси Худойберди Нуримовнинг ҳам синналган усуллари бор эди. У ҳам ер сотар ва шу масалада мурожаат қилган фуқаролардан пора олар ва шахсий бойлик орттиришда гуруҳ раҳбаридан орта қолмасликка интиларди. Бундан ташқари, мазкур мансабдорнинг бевоқифа ўзи бошқараётган ишхона алоқадор антиқа иш усули ҳам бўлиб, бу услуб жабури чеканлардан бири фуқаро Ойдин Ахатова эди. Бошқарма бошлиғи Нуримов уни 2010 йил 2 август кунини туман архитектура ва қурилиш бошқармасига компьютерчи вазифасига ишга қабул қилиб, унга ўзaro келишув асосида 150 минг сўм ойлик иш ҳақи белгилади. Ойдин бошқармага келиб тушадиган турли хил ҳужжатларни ёзди, чизди, кўчирди, хуллас, бошлиғи айтган барча ишларни амалга оширди. 2011 йил 3 апрелга қадар, яъни 485 кун давомида компьютер билан боғлиқ ишларни бажарди. Аммо Х.Нуримов компьютерчининг хизмати учун ойлик иш ҳақи тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Текин ишлаш жонига теккан Ойдин Ахатова ишдан кетиши билан бошқарма бошлиғи унинг ўрнига фуқаро Фароғат Хушमतовани тақлиф этди ва уни бош архитектор қотибаси вазифасига тайинлаб, ойига 500 минг сўм маош белгилаб қўйди. Бу ҳодимага нисбатан ҳам аввалги антиқа иш услубини қўллаб, 2011 йилнинг 1 апрелидан ўша йилнинг ноябрь ойигача ишлатиб, унинг

Ўттам ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори
ёрдамчиси
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

4 млн. 100 минг сўмлик иш ҳақини бермай, ўз эҳтиёжи йўлида фойдаланди. Бошқарма бошлиғи ўзининг бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан фуқароларни алдаб, уларнинг қунидан текин фойдаланиш билан нафақат инсон сотини таҳқирлади, балки ўзининг раҳбар сифатида яроқсизлигини, замон талабларига жавоб беролмаслигини ва инсон сифатида ҳам тубан бир кимсаллигини намойиш этди. Унинг раҳбарлик услубида ходимларга нисбатан зўравонлигини кўрсатиб қўйиш ва қўпол табиатини намойиш этиш хусусиятлари ҳам йўқ эмасди. Бир сафар ходима Фароғат Хушमतова ҳужжатларни имзолатиш учун олиб кирганда, уни ҳақоратлаб, ҳужжатларни юзига отади ва муштини ишга солиб, энгил тан жароҳати етказди.

Хуллас, туман ҳокимлигида маъсул вазифада ишловчи Эшмирза Хушмуродов тузган жиноий гуруҳ нафақат ерларни талон-торож қилиб, шахсий бойлик тўплар, балки унинг айрим аъзолари одамлар кучидан текин фойдаланиш, ўз манфаати йўлида уларнинг ҳақ-хуқуқларини топташ ва уларга паист назар билан қарашдек ғайриинсоний фель-атворларини ҳам намён этишди.

Уюшган гуруҳнинг жиноий иши жиноят ишлари бўйича вилоят судида қўриб чиқилди ва суд уларга нисбатан қонун доирасида қамоқ жазоси тайинлади ҳамда жиноий гуруҳ аъзолари томонидан фуқаролардан пора тариқасида олинган 80 млн. 36 минг сўмдан зиёдроқ пулни судланувчи Э.Хушмуродов, Х.Нуримов, А.Бобонов ва О.Бабановлардан солидар тартибда давлат фойдасига ундириш юзасидан ҳукм чиқарди.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, тириклик ва ризқ-рўз манбаи бўлган ерга ва инсонларга нисбатан бундай ғайриқонуний муносабатда бўлган бу кишилар ернинг увололига қолган ва одамлар ўртасида хурмат-эътиборни йўқотган эдилар.

Замонавий «қароқчи»лар

Муқаддам бир неча бор сузланиб, жазодан тегишли хулоса чиқармаган Шавкатжон Комилов, Раимжон Нодиров, Достон Абдусатторовлар (исм-фамилиялар ўзгартirilган) "бир ёкадан бош қизғир", бир қанча жиноятларга қўл уриши. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отишга одатланиб қолган йиғитлар эски "хўнар"ларини қўйишмади.

Кўз ойи бошланиб, тез қоронғи тушиши йиғитлар учун кўл қелди. 2012 йил 14 сентябрь кунини тунги соат 23:00ларда Юнусобод туманидаги Сайлгоҳ кўчасига "сайил"га чиққан учовлонга фуқаро Ихтиёр Абдуғаниев рўпара келди. Шундай вазиятни кутиб юрган Раимжон билан Достон уни тўхтатиб,

энди суҳбатга тортишган ҳам эди, Шавкатжон Ихтиёрнинг орқа томонидан келиб, тош билан бошига уриб қолди. "Ўлжа"лари хушидан кетиб йиқилган, унга тегишли қўямати 550 АҚШ долларлик "I-phone" русумли телефон ва 200 АҚШ долларини қўлга киритишди.

...Пуллари тулаган "қароқчи"лар кичирок кафе-барларнинг бирида навбатдаги "иш" режасини тузиш учун яна тўпланишди. Кафедан чиққанларида кўзларига бошқача кўринган Фаррух Хаджиев ҳамда Александр Рекетнинг йўлини тўсиб, зўравонлик билан пул талаб қилишди. Ф.Хаджиевдан 23 минг сўм, А.Рекетдан 10 минг сўм пуллари олиб, чўнтақларига уришди.

Аммо Александр Рекет уларнинг қилмишига бефарқ қараб тура олмади. У дарҳол амакиваччаси Сергей

Чирковга қўнғироқ қилиб, ёрдамга чакрди. Сергей ҳам талончиларнинг таъзирини бериш мақсадида тезда етиб келди. Талончилар шу атрофда юришган экан. Улардан бири Александрни таниб қолди.

— Ҳа, ўз минг сўм учун акангини етаклаб келдингми? Юз минг учун қариндошларинг билан танишар эканмииз-да! — деди Раимжон Нодиров.

Сергей бу гапдан асабийлашиб, Раимжоннинг ёқасидан ушлади. А.Рекет ҳам қараб турмади. У Шавкатни туртиб, ўзини кўрсатмоқчи бўлди. Зумда муштлашув бошланди. Бир маҳал Сергей бошига тушган зарбдан хушидан кетиб йиқилди. Унга ёрдамга шошилган Александрнинг эса учовлонга кучи етмади. Кўп ўтмай у ҳам хушини йўқотди. Зўравонлар жуфтани ростилашди.

Нодир МИРХОЛИКОВ,
Олмазор туман прокурори
ёрдамчиси

Орадан кўп ўтмай воқеа жойига ички ишлар ходимлари етиб келишди ва жабранувчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Аммо Сергей Чирков олган жароҳатлари туфайли шифохонанинг "жонлантириш" бўлимида ҳушга келмасдан вафот этди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди ва тез орада "қароқчи" йиғитлар қўлга олинди.

Мазкур ишни қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан Шавкатжон Комилов, Раимжон Нодиров ҳамда Достон Абдусатторовларга узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси инвестиция киритиш мажбурияти билан "нол" харид қийматида хусусийлаштириладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сакловчи	Балансда сакловчининг фаолият ихтисоси	Объектнинг тавсифи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект нисбатида ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестиция киритиш муддати	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлари сон
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июлдаги ПҚ-2000-сонли қарорининг 7-илловасига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
1	1	4-қаватли ётоқхона биноси	Бўстонлик тумани, Чорбоқ кўрғони, Чинор маҳалласи	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	1 100,0	-	1,5	30
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорининг 2-илловасига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
2	1	"Исиклик манбаи" ИЧБнинг қурилиши тугалланмаган қозонхона биноси	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, "Бўстон" маҳалласи	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишган ғиштдан қурилган	1 500,0	-	3 йил	40
3	2	Қурилиш тугалланмаган сузиш ҳавзасининг бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Беруний кўчасида жойлашган	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	150,0	-	3 йил	15
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 4-илловасига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
4	1	Собик 24-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари*	Чирчиқ шаҳри, 10-кичик даҳа	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	250,0	турар жой	1,5 йил	-
5	2	Собик 25-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари*	Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳа	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	400,0	турар жой	2 йил	-
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги 141-сонли қарорига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
6	1	Қурилиши тугалланмаган шифона биноси	Бўка тумани, "С.Саймоқов" фермерлар уюшмаси, "Турон" қишлоқ фуқаролари йиғини	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	1 000,0	ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	2 йил	30

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорининг 4-илловасига киритилган давлат объектлари тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади. Бунда бунёд этилган уй-жой фонднинг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий химюга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасаруфига ўтказилади.

Инвестиция киритиш мубайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 2 йил давомида сақланади.

Танловда голиб деб топилган талабгор 10 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-ҳаражатлар танлов голиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарт билан "нол" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган сандан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун инвестор оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий танлов комиссиясининг қўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов таклифини тақдим этади.

Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-усуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса); унинг технология параметрлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган асортименти ва унинг рақобатбардошлиги, ҳомаёти, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маевхуд асбоб-усуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйлаётган иқтисодий самара, шунингдек сотиш объектини молиявий-ҳўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари қайд этилган бўлиши керак.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 13 август кунни соат 11:00да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танлов савдоси ушбу кунни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 18 август, 1, 25 сентябрь кунлари ва ва ҳар ойнинг биринчи ҳамда учинчи душанба кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига "Кўқон ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамияти балансидаги Наманган вилояти Поп тумани Санг қишлоғида жойлашган, қурилиши тугалланмаган "Болалар боғчаси" қўйилмоқда.

Умумий ер майдони 11349 кв.м. Бошланғич баҳоси 562 710 078 сўм. Аукцион савдолари 2014 йил 10 июль кунни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 8 июль кунни соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчи-

си" ёки "Кўқон ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамиятида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан закат пулини тўлов ҳужжатида объектнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реkvизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақами-

га тўлашлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаб гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаб гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманомани бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Тел: +99895 404-54-84. "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такроран очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдонинг ташкил этишни тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2014 йил 4 июндаги 64-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг Ёзёвон тумани "Матлуботсавдо" МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши қўйилади.

Бошланғич баҳоси 28 600 268 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 27 июнь кунни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 26 июнь кунни соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"нинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закат келишувига асосан, улуш бошланғич баҳосининг 10

фоизи миқдоридан закат пулини тўлов ҳужжатида улушнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реkvизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84. Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 14 июлда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари куйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
 - ушбу давлат активлари учун энг камда буйруқ иловаларида келтирилган микдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
 - янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
 - сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда (буйруқ иловаларига мубофиқ жадвалларда келтирилган) амалга ошириш.
- Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нарҳининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
 - таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки

нускада.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шarti юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 14 июль куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 28 июль ҳамда 11, 25 август кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	306,00	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабоев кўчаси, 76-уй	Тошкент магистрал каналы бошқармаси	25.04.2012 №1743	331 010 604,00	297 909 543,00	30 000 000,00	1 йил
2	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли (Нисёнов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 586 030 260,00	2 195 343 420,00	1 йил
3	9 қаватли бинонинг биринчи қаватига таъаб қурилган бино	1 044,00	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	1 294 168 500,00	1 164 751 650,00	1 йил муддат ичида энг кўп микдорда инвестиция киритиш шarti билан	
4	“Махсусбуғлашга” МЧЖ	35,86 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	“Махсусбуғлашга” МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 640,00	100 000 000,00	1 йил
5	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп микдорда инвестиция киритиш шarti билан	
6	Ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	1 850 800 000,00	1 йил
7	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010 100 000,00	1 йил
8	Қурилиш тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корхонаси	404	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	1 350 892 000,00	1 350 892 000,00	405 200 000	1 йил
9	Бино ва иншоотлар	13 934,00	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Ц.маъсуми, Қатортоғ кўчаси, 28-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	11 322 596 900,00	10 190 337 210,00	3 396 780 000,00	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Объектларнинг сотилиш нархи (объектларнинг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотурар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6 - Б' уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	340 108 457,00		
2	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	29,5 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Мирқозилова кўчаси, 68а-уй	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	197 104 700,00	177 394 230,00		- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)
3	«YENGMATJMARKAZI» МЧЖ	25,0 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй	«YENGMATJMARKAZI» МЧЖ	25.04.2012 №1743	243 444 680,00	219 100 212,00		
4	«4-сон таъмирлаш қурилиш йигити бошқармаси» МЧЖ	98,64 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Топилов кўчаси, 3-уй	«4-сон таъмирлаш қурилиш йигити бошқармаси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	517 726 900,00	465 954 210,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Авария-электр хизмати ва омборхона бино-иншоотлари	471,0	Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Абдуллаев (М.Улугбек) кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар «Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиши бошқармаси»	25.04.2012 № 1743	288 774 883,00		- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (Собих Сувчи даҳаси) Чо Мен Хи кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси	6.07.2012 № 199	1 049 271 287,00	1 049 271 286,00	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (инвестиция кўпи билан 2 йил муддат ичида)

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объектнинг манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	«ISSIQLIKUVVATA» МЧЖ	25 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй	«ISSIQLIKUVVATA» МЧЖ	25.04.2012 №1743	1 270 018 215,00		- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - ушбу улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)
2	“Топкоммуналтаъминот” МЧЖ	48 фойз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Ҳавза тумани, Чашма кўчаси, 3-уй	“Топкоммуналтаъминот” МЧЖ	25.04.2013 №1743	1 395 169 600,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	“ТТЗ” ОАЖ тасарруфида бўлган “Тупт-сут” савдо дўкони	239,00	Мирзо Улугбек тумани, Аҳмад Юғияев мавзеси, 33а-уй	“ТТЗ” ОАЖ	4.04.2008 №830	173 983 642,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиш тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
8	“Tayyorlov savdo” МЧЖ	28,91 фойз давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй		12.08.2011 №233	1 486 370 095,00		

